

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. https://kazved.ru/news/travel_and_tourism/07-04-2016/vnutrenniy-turizm-v-sssr-i-rossii-god-1985-y-protiv-2016-go-4750976
2. Н. Якуш “История и география туризма в Беларуси Методические указания к изучению одноименного курса для студентов специальности 1-89 02 02” Туризм и природопользование Минск 2011 г.
3. Г.Долженко “История туризма в дореволюционной России и СССР”- Издательство Ростовского университета, 1988 г. 192 с.
4. G.Vasiljef. Rъoletar tyrizmi usyn O’rta Asъja bojunca saqlam ekskyrijъ usyn. - Т.:, O’z. dъvlet nъşjrat, 1932. – В. 4, 7,10 .
5. https://www.permgaspi.ru/publikatsii/stati/za-granitsu-iz-istorii_zarubezhn-ogo-turizma-v-sssr.html
6. А.Ражабов “Мукаддас даргох” “Наманган ҳақиқати” газетаси: 1976 й., 15 сентябрь, № 185 (10985)
7. Ферганский областной Совет Общесва охраны памятников истории и культуры Узбекистана (Материалы наглядной агитации) 1987 г. С. 7, 9, 10, 11, 12, 13, 15,19, 23,24,25,29.
8. Ў.Рустамов “Чет элликлар Ўзбекистон ҳақида” Т.: “Ўзбекистон”, 1972 й. (716.) 14, 16, 38, 39, 44,45, 51, 54 Б.
9. Г.Папирян “Международные экономические отношения”, Экономика туризма. М.: Финансы и статистика, 2000 г.
10. http://www.regsamarh.ru/info_act/publication/28.11.2014/sogaspi/1/19735/
11. <http://kaknado.info/home/>
12. Ю.Путрик Историческая преемственность традиций в отечественном Туризме политика и общества 2012 г. 6(90) 91-98 с
13. Краткий конспект лекций по курсу “История и организация туризма” М.: 2014 г.
14. Г.Долженко История туризма в дореволюционной России и СССР.-Издательство Ростовского университета, 1988 г. 192 с.
15. З.Мўминова “Фестиваль ёди” “Саодат” журналы 1985 й., ноябрь, 11 сон, 15 Б.
16. Т.Саксонов “Мукаддас” жойлар хурофот ва биъат ўчоғи”, Т.: ЎзССР “Медицина” 1986 й., 5,11,12,13, 76 Б.
17. М.Бойматов “Тарбиянинг муҳим соҳаси” Боғдод туман ижро Комитетининг Авангард газетаси: 1979 й.,13 апрель, № 44 (4743)
18. И.Жабборов “Қадамжо, урф-одат, анъана” “Фан ва турмуш” журналы, 1972 й., июнь, № 1, 16,17 Б.
19. А.Асқаров, А.Мухаммаджонов “Бандикушод ота сирлари” Т.: Ўзбекистон ССР “Фан”, 1986 й., 9, 13 Б.
20. “Атеистик энциклопедик лугат” “Ўзбекистон Совет энциклопедияси Бош редакцияси” Т.: 1988 й., 19, 265 Б.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси ўқитувчиси, Тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (*PhD*)

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон жанубидаги шаҳарларнинг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос жихатларини аниқлаш, шунингдек, шаҳарларнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётини тарихшунослик контекстида ўрганиш Жанубий ҳудудларнинг шаҳарсозлик маданиятидаги анъанавийлик ва трансформацион хусусиятларни уйғунлашувини ҳамда ушбу жараённинг умумий ва локал хусусиятларини

асослаш. Жанубий вилоятлардаги шаҳарларни республиканинг бошқа минтақалар шаҳарлари билан таққослаш орқали уларнинг ўзига хос жихатларини изохлаш асосида юртимизда шаҳарсозлик маданиятида қўлга киритилган ютуқлар ва тўпланган тажрибаларни умумлаштириш каби масалалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Қашқадарё, Сурхондарё, трансформацион, урбанизация, Сополлитепа, Жарқўтон, Навтак.

Аннотация: В данной статье рассмотрено развитие городов юга Узбекистана, динамика роста городского населения и его особенности, а также изучение социально-экономической и культурной жизни городов в контексте историографии, сочетание обосновываются традиционные и трансформационные черты в культуре градостроительства южных регионов, а также общие и локальные особенности этого процесса. Путем сравнения городов южных областей с городами других регионов республики, на основе интерпретации их конкретных аспектов, подняты такие вопросы, как обобщение достижений и накопленного опыта культуры градостроительства в нашей стране.

Ключевые слова: Кашкадарья, Сурхандарьинская область, трансформация, урбанизация, Сополлитепа, Жаркотон, Навтак.

Abstract: In this article, the development of cities in the south of Uzbekistan, the dynamics of the growth of the urban population and its specific aspects, as well as the study of the socio-economic and cultural life of cities in the context of historiography. By comparing the cities of the southern regions with the cities of other regions of the republic, based on the interpretation of their specific aspects, issues such as summarizing the achievements and accumulated experiences in the culture of urban planning in our country were brought up.

Key words: Kashkadarya, Surkhandarya, transformation, urbanization, Sopollitepa, Jarkoton, Navtak.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларнинг шаҳарлари инфратузилмасини юксалиши туфайли йирик маданий ҳамда илмий марказларига айланди. Ушбу шаҳарлар инфратузилмасидаги ўзгаришларни саноат корхоналари мисолида таҳлил этишни асосий мақсад қилиб олдиқ, чунки совет давридан мерос бўлиб қолган саноатдаги эски қоққ асбоб-ускуналар билан сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётган шаҳарлардаги мавжуд корхоналарни замонавий технология билан жиҳозлаш учун зарурий маблағлар ажратмасдан туриб аниқ натижага эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатди. Бундан мақсад шаҳарлар инфратузилмасини кенг тармоқли юксалиши учун асос бу саноатни комплекс рижаантириш, замонавий жаҳон андозалрига жавоб бермадиган маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатлиги долзарб масалалага айланди. Иқтисодиётни ривожлантиришдир. Саноат корхоналаридан келиб тушадиган фойдадан олинаётган даромадлар ҳисобидан шаҳарларнинг инфратузилмаси-ни тараққий эттириш учун шаҳарларни янги саноат ишлаб чиқариш марказига айлантириш орқали эришиш мумкинлиги асосий давлат сиёсатиға айланиб борди. Шаҳарлар инфратузилмасидаги мустақил тузум даврида шаҳарлардаги саноат корхоналарни қайта жиҳозлаш учун зарур бўлган техник воситалар иттифоқнинг турли заводларида ишлаб чиқарилар эди, уларни олиб келиш муаммоси ниҳоятда оғир эди. Шу билан бирга ушбу заводларнинг ўзи ҳам техник таъминотға муҳтож бўлиб, замонавий асбоб ускуналари ишлаб чиқара олмас эди. Шу туфайли мустақиллик йилларида эскирган саноат корхоналаридан воз кечиб, жаҳон андозалрига мос замонавий саноат корхоналарини қуриш муҳим масала қилиб олинди[1:480]. Чунки мавжуд саноат корхоналари, асосан, маҳсулотни қайта ишлашға мўлжалланган эди. 1930-1960 йилларда қурилган, моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган корхоналар ишлаб чиқарғасифатсиз маҳсулот турлари замонавий талабни қондирилмас эди.

Шаҳарлардаги асосий аҳоли саноат ва қурилиш корхоналарида ишлаб, ҳом ашё тўхтаб қолган ҳолатларда завод-фабрикаларидаги ишчи-хизматчиларни иш билан таъминлаш, иш ҳақи, озиқ-овқат таъминоти энг муҳим муаммоға айланарди. Натижада шаҳардаги демографик

вазият мушкул аҳволга тушиб, ишчи-хизматчилар орасида ишсизлик муаммоси юзага келар эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, саноат ва қурилиш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватининг пасайиши шаҳарларнинг бюджет таъминотига, иш ҳақидан ташқари, ижтимоий-маиший турмуш тарзига, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, уй-жой қурилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Термиз, Қарши, Денов, Шаҳрисабз, Шеробод, Муборак, Шўрчи, Ғузор шаҳарларидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари асосан бирламчи қайта ишланган маҳсулотлар бўлиб, консерва маҳсулотлари Россиянинг саноат шаҳарларига жўнатилар эди. Эски технологияга асосланган озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатсизлиги туфайли, дўконларнинг пештахталарида йиллаб туриб қолар, натижада иш ҳақи ва қўшимча имкониятлар учун зарур маблағларда танқислик юз берар эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эски саноат корхоналарини тиклаш имконияти йўқлиги туфайли, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида, кичик ва ўрта ҳамда қўшма корхоналарни қуриб ишга тушириш асосида муаммоларни бартараф этишга киришилди. Термиз, Қарши, Шўрчи, Шаҳрисабз шаҳарларида 1992 йилдан бошлаб кичик ва қўшма корхоналарни қуриш ҳамда ишга тушириш масаласида дастлабки натижаларга эришилди[1:481].

Мустақиллик йилларида ушбу шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришини тубдан ислох қилиниши натижасида, ижобий натижаларга эришилди. Чунки ушбу минтақалардан саноат корхоналари совет ҳокимияти даврида нихоятда суст ривожланган, фақат маҳсулотга биринчи қайта ишлов беришга мослаштирилган эди. Катта имкониятлар бўлишига қарамадан, тайёр истеъмол маҳсулотларини ноозиқ-овқат йўналишига рухсат берилмаган эди. Мустақилликнинг дастлабки даврдан бошлаб саноатдаги қолоқликни бартараф этиш масаласида жиддий ишлар амалга оширилди. Шу даврда саноат мажмуаларини қайта таъмирлаш, янги замон талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод-фабрикаларни қуриш муҳим масалага айланди. Айниқса, асосий аҳоли маркази ҳисобланган шаҳарларда саноатни туб ислохотлар асосида қайта қуриш, уларни замонавий талаб асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослаштириш, саноат корхоналарини ривожлантириш асосида шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш, аҳолининг моддий турмуш тарзини яхшилаш, шаҳар инфраструктурасини тубдан янгилаш, давлат мустақиллигининг иқтисодий тамойилларини мустаҳкамлаш диққат марказида турди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон саноат корхоналари ҳаётида ҳам янги даврни бошлаб берди[5:2]. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди[5:3]. Ушбу қонунга кўра, хусусийлаштириш ва мулкчилик шакллариини ўзгартириш махсус дастурлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, Республика ҳукуматининг иқтисодий стратегияси энг муҳим уч вазифани, яъни ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратишни ҳал қилишга йўналтирилди[2:298].

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида 1623 та саноат корхонаси бўлиб[3:231], шундан 92 та саноат корхонаси Сурхондарё шаҳарларида жойлашган эди[4:162]. Саноат корхоналари жойлашган Қарши, Термиз, Шаҳрисабз, Денов, Шеробод, Бойсун шаҳарларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида қўшимча маблағлар ажратилиб, маҳсулот тури ҳамда сифатини яхшилаш мақсадида замонавий, янги жаҳон андозаларига мос кичик, ўрта ва қўшма корхоналар қурилиб ишга туширилди. Натижада шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш, янги замонавий саноат бошқарув малакасига эга мутахассисларни тайёрлаш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чет эл сармоялари асосида янги ишлаб чиқариш технологияларини жалб этиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. Қарши, Денов, Шаҳрисабз, Термиз, Шўрчи, Шеробод, Ғузор шаҳарларида белгиланган режа асосида саноатдаги мавжуд қолоқлик бартараф этилиб, кундалик талаб-эҳтиёж асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиялари ўрнатилди. Шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотнинг таннархи арзонлаштирилиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари

йилдан-йилга ошиб борди, саноат корхоналарида иш ўринлари сони кўпайди.

Қашқадарё вилоятидаги Муборак, Косон, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз шаҳарлари кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ёқилғи ресурсларини казиб олиш бўйича Ўзбекистонда муҳим ўрин эгаллайди. Вилоят шаҳарлари республикада казиб олинadиган табиий газнинг 88%, нефтнинг 92%, конденсатнинг 99,6%, олтингугуртнинг 100% ни беради. Саноатнинг етакчи тармоклари бўлган Қарши, Косон ёғ-экстракция, Шаҳрисабз консерва заводлари, Шаҳрисабз пиллакашлик, Қарши тикувчилик фабрикалари, Қашқадарё мармар акциядорлик жамияти ва бошқа 49 та қўшма корхона мустақиллик йилларида замонавий ишлаб чиқариш технология асосида ўзининг иқтисодий салоҳиятига эга бўлди. Вилоят ҳудудидаги дастлабки саноат корхонаси – Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи 1916 йилда қурилган. Ундан кейинги даврда вилоятда, асосан, пахта тозалаш заводлари, тикувчилик фабрикалари қурилиб, 1971 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводи ишга туширилди[6:14-16].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қашқадарё шаҳарларининг асосий саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш 1782 млн сўмга ошиб, 93 та асосий саноат ва 743 та ёрдамчи саноат корхоналари ташкил этилди. Энг муҳими Сурхондарё вилоятининг қайд этилган шаҳарларидаги саноат корхоналарида ишловчи ишчилар сони 29961 кишини, асосий саноат корхоналарида ишловчиларнинг сони 20201 кишини ташкил этди[7:68].

Мустақиллик йиллари шаҳарларда халқ хўжалиги ҳам ҳар томонлама ривож топди, банк, молия-кредит тизимлари такомиллаштирилди, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш, миллий валютани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш масаласида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1991-1993 йилларда иқтисодий сиёсат барқарорлашиб аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилди. Бу даврда дастлабки иқтисодий ислохотлар амалга оширилишипул-кредит сиёсатини ўзгартиришда муҳим омил бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Сурхон воҳаси шаҳарларида саноатни қайта таъмирлаш, янги саноат корхоналарини қуриш, кон-ёқилғи саноатининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Бойсун шаҳрида кўмир казиб чиқариш корхонасининг қуввати оширилиб, 1991 йилда 9,1 млн, 1992 йилда 291,6 млн сўмлик кўмир казиб олинган бўлса, Жарқўрғон шаҳрида нефть казиб олиш корхонасида 1991 йилда 123,0 млн сўмлик, 1992 йилда 400,4 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди[8:67]. Шунингдек, Қумқўрғон, Термиз ва Жарқўрғон шаҳарларида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, 1991 йилда 109,1 млн сўмлик, 1992 йилда 878 млн сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Жарқўрғон шаҳрида ип-газлама комбинатининг иқтисодий қуввати оширилиб, 1991 йил 27,0 млн сўмлик, 1992 йилда 216,6 млн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди[8:69].

Шаҳарларда саноат колоклигини бартараф этиш учун бутун республикада бўлгани сингари, Сурхондарёда ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Айниқса, пахта тозалаш саноати соҳасида катта ўзгаришлар юзага келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарлар ҳаётида бир қатор муаммолар ҳам юзагачиққан эди. Хусусан, совет иттифоқ давридаги республикалараро алоқалар узилгач, таъминотда қийинчиликлар рўй берган эди. Кўпгина пахта тозалаш заводларидаги эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар етишмай қолди. Корхоналар бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун, ўз ички имкониятларидан фойдаланди, бу, албатта, ўзининг ижобий натижаларини берди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шаҳарлардаги саноат корхоналари, қатор завод ва фабрикалар электр энергияси харажатларининг ошиб бориши сабабли энергияни тежаш йўлларини излаб топдилар. Бундай корхоналар бири Термиз шаҳар пахта тозалаш заводи бўлиб, бу ерда 1993 йилга қадар 100 квт қувват берадиган ўнлаб электр моторларидан фойдаланиб келинар эди. 1993 йилга келиб эса, бу моторлар 55-70 квт ли моторларга алмаштирилди. Бунинг устига, бекор турган асбоб-ускуналар сони ҳам камайтирилди[8:69].

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. Турсунов, С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 480-481.
2. Мустакил Ўзбекистоннинг янги тарихи, 3 китоб. –Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 298.
3. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Қомуслар бош таҳририяти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 231.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988 й. –Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 162.
5. Халқ сўзи, 1991, 20 ноябрь. - Б. 2-3.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви. И 8-фонд, 1-рўйхат, 323-ҳужжатлар, 14-16-68-варақлар.
7. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси 1993 йил. 12.02. 67-69 б.

TRANSPORT TARMOQLARINING SURXON VOXA IQTISODIYETIDAGI AXAMIYATI

Хидиров Холмамат Джураевич,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Дунёнинг ривожланган мамлакатларида глобаллашув ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви тараққиётнинг асосий таянчи бўлган замонавий транспорт тизимининг интенсив тараққиётини тақозо этмоқда. Бу эса, жаҳоннинг турли давлатларида транспорт тизимининг жаҳон андозаларига мос ҳолда ривожланиш тенденцияларини турли тарихий даврлар контекстида ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келмоқда.

Калит сўзлар: Сув транспорти, Аракс, Ўкуз, Окс, Жайхун, Термиз дарёси, Вахандарё, Помирдарё, Гунт, Бартаңдарё ва Ванч, Бурдағуй қалъаси, Эски Термиз.

Аннотация: Ускорение процессов глобализации и урбанизации в развитых странах мира требует интенсивного развития современной транспортной системы, являющейся главной опорой развития. Это приводит к повышению интереса к изучению тенденций развития транспортной системы разных стран мира в соответствии с международными стандартами в разрезе разных исторических периодов.

Ключевые слова: Водный транспорт, Аракс, Окуз, Окс, Джейхун, река Термез, Вахандарья, Помирдарья, Гунт, Бартаңдарья и Ванч, замок Бурдагуй, Старый Термез.

Abstract: The acceleration of the processes of globalization and urbanization in the developed countries of the world requires the intensive development of the modern transport system, which is the main support of development. This leads to an increase in interest in studying the development trends of the transport system in different countries of the world in accordance with the international standards in the context of different historical periods.

Key words: Water transport, Araks, Okuz, Oks, Jayhun, Termiz River, Vakhandarya, Pomirdarya, Gunt, Bartangdarya and Vanch, Burdagguy Castle, Old Termiz.

Жаҳон транспорт тизимида сув ва ҳаво транспотларининг ўрни жуда каттадир. Айниқса, халқ ҳўжалиги тараққиётида сув транспортининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Транспортнинг ушбу тури арзон ва қулай бўлиб, катта микдордаги юкларни керакли манзилга етказиб бера олади. Қолаверса, сув транспорти мамлакат тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Агар ер юзидаги юксак ривожланган давлатларга назар ташласак, уларнинг ҳаммаси денгиз ёки жаҳон океанига чиқиш имконини берувчи йирик даё бўйларида жойлашганлигига гувоҳ бўламиз.